

## ҚАДИМГИ ТУРОН ХАЛҚЛАРИ МАДАНИЯТИДА ИНСОНПАВАРЛИК ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ

*Бурхонов Мажнун Илхом ўғли*  
*СамДЧТИ тадқиқотчиси*

**Аннотация:** Мақолада Қадимги Турон халқлари маданиятларида инсонпаварлик хусусиятлари турлича намоён бўлади. Шунингдек инсонпаварликнинг муҳим жиҳатлари: хушмуомалалик, камтарлик, оддийлик, ростгўйлик, адолатлилик, олийжаноблик хислатларининг пайдо бўлиши очиб берилган. Қадимги Турон маданияти тарбия тизимидаги анъаналари ва турмуш тарзини бошқа этнос маданиятлари таъсиридан сақлаш мақсадида то XIX асрнинг охиригача “ёпиқ эшиклар” сиёсатини олиб борганлари тадқиқ қилинган.

**Калит сўзлар:** цивилизация, “ёпиқ эшиклар”, халқларнинг буюк кўчиши”, минг отлик, “Лаъл йўли”, “Олтин йўл”, “Кумуш йўл”, маънавий-ахлоқий тарбия, миллатлар, халқлар, маънавий мерос, ақл-заковат, тафаккур.

**Аннотация:** В статье отражены разные черты человечества в культурах древних туранских народов. Он также раскрывает важные стороны человечества: появление качеств доброты, смирения, простоты, честности, справедливости, благородства. Изучено, что древняя туранская культура до конца XIX века проводила политику «закрытых дверей», чтобы защитить свои традиции и образ жизни от влияния других этнических культур.

**Ключевые слова:** цивилизация, «закрытые двери», «великое переселение народов», тысяча всадников, «Немая дорога», «Золотая дорога», «Серебряная дорога», духовно-нравственное воспитание, нации, народы, духовное наследие, интеллект, мышление .

**Annotation:** The article reflects the different features of humanity in the cultures of the ancient Turanian peoples. It also reveals important aspects of humanity: the emergence of the qualities of kindness, humility, simplicity, honesty, fairness, nobility. It has been studied that the ancient Turanian culture pursued a policy of “closed doors” until the end of the 19th century in order to protect its traditions and way of life from the influence of other ethnic cultures.

**Keywords:** civilization, "closed doors", "the great migration of peoples", a thousand horsemen, "Dumb Road", "Golden Road", "Silver Road", spiritual and moral education, nations, peoples, spiritual heritage, intelligence, thinking .

Ҳар қандай маданият, у моддийми ёки маънавийми қатъий назар, унинг инсонпарварлик, гуманитар даражаси билан ўлчанадики ва у бош мезондир. Маданият эволюцияси унда инсонпарварлик функциясининг тобора ўсиб бориши билан таснифланади. Ёввойилиқдан, варварликка, ундан цивилизация томон ривожланиш жараёнида маданият таркибида инсоннинг нормал ривожланишига шароит яратувчи қисмлар, соҳалар ва функциялар тобора кўпайиб боради. Чунки маданиятнинг асосий мақсади инсондир, унинг ҳар томонлама ривожланишидир. Қадимги Туронда ўз даври учун юксак инсонпарварлик мазмуни билан суғорилган маданият шаклланган эди. Аммо, гуманистарлик даражасини ҳозирги нуқтаи назардан, масалан, инсон ҳуқуқлари тамойилларидан келиб чиқиб баҳолаш ярамайди, абстракция, яъни ўтмишни ҳозирги замон шароитидан келиб чиқиб баҳолаш нотўғри бўлиши билан бир қаторда чалқаш муаммоларни келтириб чиқаради, тадқиқотчига ўша даврларни объектив ёритишга тўсқинлик қилади, натижада ноадекват хулосаларнинг чиқарилишига сабаб бўлади.

Қадимги Турон халқлари маданиятларида инсонпаварлик хусусиятлари турлича намоён бўлади. Биз юқорида инсонпаварликнинг муҳим жиҳатлари: хушмуомалалик, камтарлик, оддийлик, ростгўйлик, адолатлилик, олийжаноблик. Ватанпарварликнинг Қадимги Туроннинг ахлоқий маданиятида намоён бўлишини баён қилдик. Энди эса бу маданият қанчалик даражада шахснинг мўътадил ривожланишига шароит яратганлигини ва у турли этнслар маданий ҳаётида қай даражада ифодаланганлигини қараб чиқамиз. Инсонпарварликнинг биринчи талаби ҳар бир инсонга яшаш имкониятини беришдир, ёки ҳаёт ҳуқуқидан маҳрум этмасликдир. Ана шу масалани Ҳинд-Европа ва турк тилли гуруҳларда биз ўрганаётган давр бўйича қиёслаб чиқамиз. Ўша даврда Европанинг энг цивилизациялашган халқи юнонларда нимжон туғилган болаларни жарликка улоқтирганлар, Римда оила қоидалари бузилса ўғил, келин ва неваралар худоларга қурбонлик қилинган. Русларда Перун худосига бағишлаб одамни қурбон қилганлар. Новгород қалъаси девори пойдеворига биринчи қўлга тушган болани кўмганлар. Шотландияликлар бино пойдеворига одам қонини оқизганлар, Германияда Галлия кўприги пойдеворига болани тириклайин кўмганлар, Тюрингиядаги Либенштейн қасри тагига сотиб олинган бола кўмилган, Копенгаген пойдевори тагига эса қизча кўмилган, Англиядаги Вартигерн қалъаси пойдеворига бола қони оқизилган. Финикиядаги Тиннит худоси саройи остидан қурбон қилинган болалар қабристонини очилди. Сом-хом қавмлари яҳудийлар, ханаанлар, аморийлар қамал пайтида ёки янги биноча пойдевор қўйиш вақтида тўнғич фарзандларини қурбон қилганлар, яҳудийларда рақибларнинг ўзинигина эмас уй ҳайвонларини ўлдириш, ҳатто дарахтларини чопиб ташлаш одати бор эди. Форсларда зодагон одам ўлса унинг хотинлари, хизматкорлари, чўрилари, отлари ўлдирилиб, марҳум билан бирга кўмилган. Араблар исломгача тўнғич фарзанд қиз бўлса қумга кўмиб ўлдирганлар. Мисрда ҳар йили Нил худоси Апиға атаб 18 ёш қизнинг оёқ-қўлини боғлаб дарёга ташлаганлар. Апкод подшоси Саргон I Шумер подшоси Лугалзаггисини асир олиб Энлик шарафига қурбонлик қилиб оловга ташлаган. Рим императори Нерон ҳар куни бир қулни ўлдириб гўштларини майдалаб, улкан ҳовузда сақланадиган акулаларга ташлаган. Ассирияликлар ўзлари бўйсундирган аҳоли вакилларини қозикқа ўтқазганлар, ёғоч устунларга тириклайин михлаб қўйганлар, кўзларини ўйганлар, қулоқ бурунларини кесганлар, ияқларини тешиб ип боғлаб етаклаб юрганлар. Эронийлар ҳам улардан қолишмаганлар, тириклайин терисини шилиш (Моний ва унинг тарафдорлари ана шундай жазоланган эдилар), тириклайин ўрага кўмиш (Маздахчилар ана шундай қатл қилган эдилар), зиндонда чиритиш каби “ихтиролар” уларга тегишлидир. Энди туркий тилли халқларнинг бу борадаги удумларини қиёслайлик. Қадимги Турон халқларида инсоннинг ҳаёти юксак қадрланиб, одамни ундан зўрлик билан маҳрум қилиш Тангри иродасига қарши чиқиш деб қаралган ва шунинг учун одамларни худо йўлига ёки аждодлар руҳи шарафига қурбонлик қилиш расм эмас эди. Массagetлар, саклар, хуннлар, хоразмликлар худолар ва аждодлар руҳи шарафига от, қорамол, қўй каби ҳайвонларни қурбонлик келтирганлар. “Авесто”да Алп Эр Тўнга, Франхряянинг Ардвасурага атаб от, туя ва қўйларни қурбонлик қилгани ҳикоят қилинади. Шунингдек, Туркютлар ва қипчоқлар ҳам от, қорамол, қўйларни қурбонлик қилганликлари манбаларда келтирилади. Фақат, скифлар ва киданлар уруш олдида асирга олинган душманлар ва жиноятчиларни уруш худоси шарафига қурбонлик қилганлар. Инсонпарварликнинг мезонларидан бири эркакларнинг аёлларга муносаатидир. Ўз даврида энг демократик жамият деб топилган Афинада хотин-қизлар фуқаролик ҳуқуқидан маҳрум эдилар, агар эркакча кийиниб олимпия ўйинларида иштирок этгани аниқланса у ўлдирилган, Римда эса эр хотинини вино ичганлиги учун ўлимга ҳукм қилишга ҳақи бор эди. Қадимги Туронда эса манзара тамомила бошқача эди. Бу ерда аёллар юқори мавқега эга бўлиб, улар маликалар, подшоҳлар даражасига кўтарилганлар. Тўмарис, Зариня, Старетра, Одатида, Мина каби маликаларимиз эл-юртни сўраганлар. Бундай ҳолатни на Шарқда ва на Ғарбда кўра оламиз. Юнон, Рим, Хитой манбаларида таъкидланадики, сан-саклар, кидонлар, эфталийлар, доволонлилар ҳарбий ишлардан ташқари барча масалаларда хотинлари маслаҳатига таяниб иш кўрганлар. Қолдиқларининг Марказий Осиёда қаттиқ сақланиб қолганлигидан далолат беради. Гинекократия, яъни аёлларнинг жамиятда ва оилада ҳукмрон мавқени эгаллаб туришига араблар истилоси кучли зарба берди, бироқ ҳозирда ҳам Фарғона ўзбеклари ва бошқа ҳудудларда оналари ва хотинларининг маслаҳатига риоя қилиш одати сақланиб қолган. Римда фарзандлар ота измидан чиқса, уларни хотин, бола-чақаси билан қул қилиб сотиб юбориши мумкин эди. Аммо, Туронда бунга уруғ, аҳалла йўл қўймасди, чунки ишлаб чиқарувчи кучлар қуллар

эмас эркин жамоа аъзолари эди. Эркин жамоа сонининг кўпайишини эса уруғ жуда зийраклик билан кузатиб борарди, шунга кўра ўз-ўзини ўлдириш, аборт, ажралиш қораланарди. Аксинча, серфарзандлик қўллаб-қувватланарди, аҳли-аёл, бола-чақани ўлдириш, кул қилиб сотишга оила бошлиғининг ҳаққи йўқ эди. Ҳатто кулларнинг болалари ҳам оилада ўз фарзандлари каби тарбияланарди, чунки улар вояга етгач жангчи сифатида хўжайинларига хизмат қилишлари, пода боқишлари, суғориш иншоотларини қуришлари лозим эди.

Ахлоқий қоидаларнинг бир қисми давр ўтиши билан “ўлик”, рудимент ҳолатгакелиб қоладилар, аммо улар инерция билан узоқ воҳаларгача консервати шаклда сақланиб қоладиларки, уларни анъаналар, урф-одатлар, расм-русмлар деб атайдилар. Қадимги Туронда ҳам ана шундай анъаналар ва урф-одатлар мавжуд бўлиб, уларнинг кўпчилиги табиий ва инсон ҳаёти цикллари билан боғлиқ, баъзилари диний характерга эга, айримлари санитария-гигиена ва муомилани тартибга солиб турадилар.

Анъаналар ва урф-одатларнинг бир қисми кишилар ўртасидаги муомалани тартибга солишга қаратилган бўлади. Уларнинг энг қадимийлари ўзларининг дастлабки мазмунини йўқотиб, ташқи мулозамат қоидалари, яъни этикетга айланиб қолганлар. Масалан, қўлни кўкракка қўйиб ёки қўл бериб кўришиш ўтмишда: “менинг ўнг қўлимда қуролим йўқ (чап қўл билан ўлдириш мушкул, агар одам чапақай бўлмаса) мен сенга душман эмасман, дўстман” деган маънони англатади. Биринчиси, Турон эллари урф-одати бўлса, иккинчиси Эрон қабилалариники эди. Хитой ўзининг “Форсия тарихи” китобида Кир II нинг васиятини келтиради, унда Кир II ўз ворисларига бир-бирлари ва Аморг билан ўнг қўлни бериб кўришишни буюради. Эҳтимол, кейинчалик ушбу одатлар ҳар иккала ҳудудда ҳам расм бўлгандир. Ҳозирда эса бу икки одат ҳам хизмат белгиси сифатида қўлланилади. Туронда аёл орқада эркак олдинда юради, эшикдан биринчи бўлиб эркак киради ва бунинг маъноси агар душман ҳужум қилса ёки ёмон руҳ-ажиналар ҳуруж қилса эркак биринчи зарбани ўзига олиши зарур демакдир. Европада биз бу одатни тамомила тескарисини кўрамиз. Эркак аёлни эшикдан биринчи бўлиб қўйиб юбориши шарт ва гўёки бу нарса эркакнинг аёлга ҳурматини билдиради. Амалда эса бу одат аёлларнинг европада қанчалик таҳқирланганлигининг белгисидир. Бунинг исботи шуки, герман қабилаларида (немис, франк, англо-сакс, ют ва хоказо) янги қурилган уй эшигидан биринчи бўлиб ит ёки мушук, улар ҳам бўлмаса ўз хотинини қўйиб юборганларки, янги уйга кириб олган ёмон руҳлар шуларни ўлдирсин ёки зиён етказсин деб. Ўрта Осиёнинг кўпчилик ҳудудида келин дастлабки саломини остонага беради, бунинг сабаби зардуштийликка қадар бақтрия ва суғдиёна ҳамда бошқа бир қатор ҳудудларда марҳумлар жасади остона тагига ёки пол тагига кўмилганлар. Бу одат ўтмишда одамни тамомила ўлди деб ҳисобламаслик ва оила аъзолари билан бирга яшаётганлиги ҳалигача архаик тасаввурга бориб тақалади. Ҳозирда эса бу одат келиннинг куёв оиласи, аждод-авлодларини тан олиб, уларни ҳурмат қилишга тайёр эканлиги белгиси сифатида қаралади. Хоразмда жасадларни махсус “ўлик уйларга” кўмганликлари сабаб, бу одат йўқ. Бош бармоқни юқорига кўтариб “ҳаммаси аъло” деган ахборот бериш одати Римдаги гладиаторлар жанги билан боғлиқ бўлиб, агар рақибни енгиб, ерга ётқизган жангчи томошабинларга қараб уларнинг қарорини кутган, агар томошабинлар ўнг қўлининг бош бармоғини бқорига кўрсатсалар рақиб авф этилган, ўлдирилмаган, аксинча бош тармоқлар пастга қаратилган бўлса, голиб мағлубни ўлдирган. Салиб юришлари даврида ва ундан олдин скифлар, сарматлар, аварлар (яъни қадимги туронликлар) европаликларни мулозамат қоидалари билан таништирганликларини Европалик муаллифларнинг ўзлари муттасил қайд қиладилар. Унғача уларда ўта қўпол ва варварларча мулоқот одатларининг мавжудлигини ҳам европалик муаллифлар батафсил баён қилганлар.

Табиий цикллари билан боғлиқ бўлган анъаналар ва урф-одатлар айниқса ўтроқ деҳқончилик билан шуғулланувчи Турон қабилаларида кучлироқ ифодаланган. Хусусан Хоразм ва Суғдда баҳорги тенг кунлик (21 март) янги кун (ени кун) деб нишонланган, у форсларга ўтиб Наврўз деб аталган (форслар ўша даврда кўчманчи чорвадорлар эди), ангам байрами ёзнинг энг узун кунда нишонланиб, ўйин-кулги, гул, оташ, қўшиқ ва рақс билан нишонланган, меҳржон – кузги тенгкунлик бўлиб, ҳосил байрами сифатида нишонланган, сада, умри – кишининг энг узун кунни бўлиб, Анхрамайжонинг энг кучга тўлган туни бўлиб, Хоразмда эркаклар Атар, Оташхонада Ахурамаздани шу кунда қўллаб-қувватлаш учун йиғилганлар (умра-гаштак, гурунг Хоразмда ҳали ҳам бор). Қиёсий таҳлил учун Сўғд ва Хоразм байрамларини келтирамиз:

Хоразм

1. Наврўз – баҳорги тенгкунлик.
2. Ро̀мушоғом – Наврўздан сўнг 8 кундан сўнгги байрам
3. Хрвдод – иссиқ ҳайомлардан чиқиш байрами
4. Умри – кузда олов олдида исиниб, таом ейиш (гаштак)
5. Мина кечаси – Мина енгил кийиниб маст ҳолатда малика ҳало бўлади.
6. Вахш ангам – ёзги тенг кунлик, сув сайли
7. Исфандариджи – ўлган аждодлар остодонларига таомлаш қўйиш.

Суғд

1. Наврўз – баҳори тенгкунлик.
2. Бухорода муғлар оташхонага йиғилиб байрам қиладилар.
3. Сўғдда бу байрам йўқ.
4. Сўғдда бор зиёфат дейилади.
5. Суғдда йўқ.
6. Вахш ангам – сув сайли
7. Исфандармуз – ўлган аёллар руҳларини шод этиш учун остодонларга овқат қўйилади шам ёкилади.

Туронда янги йил ҳам кенг нишонланган. Масалан, Шарқий Туркистонда янги йил етти кун давомида кўчқор, от, туя уриштириш ва бошқа кўнгилочар тадбирлар билан ўказилган Фарғонада янги йилда подшо ва амалдорлар икки гуруҳга бўлиниб, икки жангчини уруштирганлар, подшо тарафидан жангчи энгиб чикса йил яхши келади деб ҳисоблаганлар.

Хулоса қилиб айтганда Хоразмда циклик тақвимнинг милодий VIII асргача мавжудлиги маълум, Суғд ва Бактрия зардуштийларининг тақвимидан фойдаланганлар, туркларга тақвим VIII асргача бор эди. Бизнингча кўчманчи чорвадор аждодларимизда чорқани қачон яйловга (ёзлокқа) ва қачон қишлоққа (қишлоққа) олиб келишни яхши билганлар, чунки чўпонота байрами шунга бориб тақалади, ва бу байрамни ўтроқ деҳқон боболаримиз ҳам кенг нишонлаганлар.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. История древнего мира. Расцвет древних обществ. М.: Вост. лит., 1989. – С.424.
2. Соловьев С.М. Чтения и рассказы по истории России. – М.: Изд-во Правда, 1990. – С.44.
3. Гумилев Л.Н. Древняя Русь и Великая степь. – М.: Мысль, 1989. – С.340.
4. Тэйлор Э. Первобытная культура. – М.: Гос.соц.экон.изд-во, 1939. – С.60-61.
5. История древнего мира. Ранняя древность. – М.: Вост.лит. 1989. – С.255-256-411.
6. Тэйлор Э. Первобытная культура. – М.: Гос.соц.экон.изд-во, 1939. – С.494.
7. Геродот. История в девяти книгах. Книга первая. /История Узбекистана в источниках. – Т.: Фан, 1984. С. 54-55, Страбон. География в 17-ти книгах. Книга седьмая. М., 1879. – С.522.
8. Ктесий. История Перси //История Узбекистана в источниках. – Т.: Фан, 1984. – С.70.
9. Пугаченкова Г.Л., Ртвеладзе Э.В. Северная Бактрия – Тохаристан. Очерки истории и культуры (древность и средневековье). – Т.: Фан, 1990. – С.25.
10. Бируни. Памятники минувших поколений. Т.: Изд-во АН УЗСССР, 1957. – С.254, 255, 257, 258.
11. Kholikov, Y. O. "Issues of education of youth on the ethical basis of international culture and tolerance at the age of globalization." *Philosophical Readings* 13.4 (2021): 1917-1922.
12. Muhammadievich, Gaybullaev Otabek. "Individual aesthetic culture in the development of the struggle against the threats of" Mass culture". *Journal of Critical Reviews* 7.5 (2020): 318-322.
13. Yunus Ortikovich Kholikov. (2021). *Philosophical Fundamentals Of The Culture Of Tolerance. The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 3(09), 48–51.
14. Kholikov, Yunus Ortikovich. "The education of young people on the basis of a spiritual, moral and tolerant culture in the educational process." *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences* 1.2 (2021): 63-68.
15. Gaybullaev, O. "Role of business in modernization of the CIS economies: opportunities for cooperation (for example, Uzbekistan)." *Foundation "Eurasia Heritage"*. -Ministry of Foreign Affairs of the Russian Federation (2009): 5-6.
16. Yunus Ortikovich, X. (2022). The importance of moral values in the development of a culture of tolerance in youth. *International Journal of Intellectual Cultural Heritage*, 1(3), 65–69.

17. Xoliqov, Y. (2022). The role of ethics and education in the development of tolerance relations between uzbekistan and the nation in the process of development. International Conference on Problems of Improving Education and Science, 1(02).
18. Yunus Ortiqovich Xoliqov Yangi O'zbekistonda bag'rikenglikni rivojlantirishda millatlararo aloqalarning mohiyati. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(23), 764-774.
19. Otabek, Gaybullayev. "The role of literature and art in the formation of aesthetic culture of personality in civil society." European Journal of Arts 2 (2017): 35-41.